

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

«АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» КАФЕДРАСИ

**«ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ»
ФАНИДАН**

РЕФЕРАТ

**МАВЗУ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АХБОРОТ-МАСЛАҲАТ
ТИЗИМЛАРИ**

Бажарди 19-15 гуруҳ талабаси:

М. ЖЎРАҚУЛОВ

ГУЛИСТОН 2016

РЕЖА:

КИРИШ

АСОСИЙ ҚИСМ

- 1. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ АСОСЛАРИ**
- 2. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АХБОРОТ КОНСАЛТИНГ
ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**
- 3. АХБОРОТЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ БАЗАСИ**
- 4. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ АХБОРОТ
ТИЗИМИНИ ҚУРИШ**

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

КИРИШ

Инсоннинг кундалик меҳнат фаолияти ташқи муҳит тўғрисидаги ахборотларини қабул қилиш ва тўплаш, турли масалаларни ечиш учун зарур бўлган маълумотларни аниқлаш, қайта ишлаш каби амалларни бажариш билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли, ҳам юқоридаги амаллар мажмуаси, уларни татбиқ этиш усуллари воситалари ахборот тизимларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ахборот тизимларинининг асосий мақсади фойдаланувчиларни тегишли соҳага таалуқли бўлган ахборот билан таъминлашига қаратилган. ЭХМларнинг яратилиши натижасида автоматлаштирилган ахборот тизимларини ҳосил қилиш имкониятлари пайдо бўлади.

Ахборот тизими – бу ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларидир. **Ахборот ресурси** – ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базасидир. **Ахборот ресурсларининг мулкдори** – ахборот ресурсларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс тушунилади. **Ахборот ресурсларининг эгаси** - қонун билан ёки ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборот ресурсларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс тушунилади.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ АСОСЛАРИ

Республикамиз ҳукумати томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан тадбирлар натижасида йил сайин фермер хўжаликларининг мамлакат аграр тармогида тутган ўрни мустаҳкамланиб, яратилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмида уларнинг салмоғи ортиб бормоқда. Фермер хўжаликларининг афзалликлари истеъмол бозорларининг арзон ва харидоргир маҳсулотлар билан бойиб бораётганлигида кўзга ташланади. Иқтисодий ночор, банкротлик арафасида турган ширкат хўжаликлари ўрнида молиявий жиҳатдан бавқувват фермер хўжаликларининг пайдо бўлиши ижтимоий соҳанинг ривожига, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш каби масалаларда ҳам давлатимизнинг ишончли ҳамкори сифатида майдонга чиқмоқда.

Янги ХХІ асрда мамлакатнинг миллий иқтисоди глобаллашиб, ахборотлашган иқтисод шаклига, яъни миллий иқтисоддаги ахборот ва билимларнинг тутгун ўрни тобора юксалмоқда ва улар стратегик ресурсга айланмоқда.

Умуман **ахборотлаштириш** деганда юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий – иқтисодий ва илмий – техникавий жараёни тушунилади. **Ахборот тизими** – бу ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларидир. **Ахборот ресурси** – ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базасидир. **Ахборот ресурсларининг мулкдори** – ахборот ресурсларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс тушунилади. **Ахборот**

ресурсларининг эгаси - қонун билан ёки ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборот ресурсларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс тушунилади.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими қуйидагиларни белгиловчи нормалар билан аниқланади¹:

- ахборотни ҳужжатлаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва ахборот тизимларини яратиш тартибини;
- ахборот ресурсларига ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқини;
- ахборот ресурсларининг улардан эркин фойдаланиш даражаси бўйича тоифаси;
- ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш тартибини;
- ахборот тизимларининг тармоқлараро уланиши тартибини.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида тез суръатлар билан ривожланаётган тадбиркорлик шаклларида бири фермер хўжаликларидир. Худди шу ўринда фермер хўжаликларида ҳам ахборот ресурсларини оқилона ташкил этиш ва фойдаланишда улар меҳнат, моддий ва энергетик ресурслар эквиваленти сифатида намоён бўлади.

Айни чоғда, ахборот – бу бошқа барча ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уларни асраб-авайлашга кўмаклашувчи ягона ресурс тури эканлигини чуқур англаб етишлари зарур деб ҳисоблаймиз. Маълумки, қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари булар фермер хўжаликларидир. Бу йирик корхона ёки фермер хўжалиги иқтисодиётини ривожлантиришга юқори даражада ҳисса қўшиши учун мустаҳкам ахборот ресурсига эга бўлиши лозим.

Бинобарин, ҳар қандай ташкилот, корхона ёхуд фермер хўжалигининг ҳолати таҳлил этилаётганда унинг табиий, меҳнат, молиявий, энергетик

¹Ўзбекистон Республикаси «Ахборотлаштириш тўғрисида» 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни

ресурслари ажратилиб кўрсатилади. Шунини таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш учун бу ресурсларнинг ўзи етарли эмаслиги аён дир. Бу ресурсларни қандай ишлата билиш, бу соҳадаги замонавий технологиялар ва уларнинг қўлланилиши ҳақидаги кўплаб билимларга эга бўлиши, ахборот ресурслари етарли бўлишини замон талаб этмоқда. Фермер хўжаликларида ахборот ресурслари оқилона ташкил этилса ва ўринли фойдаланилса, у мешнат, моддий ва энергетик ресурслар эквиваланти сифатида иштирок этадилар.

Фикримизнинг далили сифатида фермер хўжаликларида эришилаётган кўрсаткичларни келтирайлик. Шунини қайд этиш лозимки, Республика бўйича 2007 йил 1 январ ҳолатига фермер хўжаликлари умумий сони 189200 тани ташкил этиб, уларга ажратилган ер майдони 4953 минг гектарни тшкил этди. фермер хўжаликларининг ўртача ҳажми йил сайин йириклашиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда. 2006 йил якунига кўра ўртача бир фермер хўжалигига 26,2 гектар ер майдони, 17,0 гектар экин майдони, 2,6 бош йирик шохли қорамол, 4,0 бош қўй ва эчкилар тўғри келган. 2002 йил билан таққослаганда ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келувчи қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати 257,1 фоизга, умумий ер майдони ҳажми 136,4 фоизга, экин майдони эса 124,1 фоизга ўсган.

2006 йил якунига келиб қишлоқ хўжалигидаги жами экин майдонларининг 58,7 фоизи, пахта майдонининг 63,4 фоизи, дон экинлари майдонининг 57,7 фоизи, полиз экинларининг 43,7 фоизи ва ем-хашак экинларининг 46,2 фоизи фермер хўжаликлари хиссасига тўғри келди.

Фермерлар пахта хом ашёсининг 83,3 фоизини, доннинг 71,0 фоизини, сабзаётларнинг 30,0 фоизини ва полиз маҳсулотларининг 43,7 фоизини етиштирдилар. Кейинги йилларда чорвачиликда ҳам фермерлар улушининг кўпайиб бориши кузатилмоқда. Жумладан, ўтган давр мобайнида йирик шохли қорамоллар бош сони 121,5 фоизга, қўй ва эчкилар бош сони 182,9 фоизга кўпайди.

Кўриниб турибдики, бундай ижобий натижаларга эришиш жараёнида жуда катта ахборот ресурслари жамланиб борилаётганлиги аён. Иқтисодий янада юксалтиришга хиссаларини қўшиши учун шу ахборот ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни тақозо этади. Бунинг асосида эса, ахборот технологияларининг яна бир хусусияти, ушбу технология учун қишлоқ хўжалик ресурслари ҳам ахборот, товар маҳсулоти ҳам ахборот эканлиги ҳақидаги назария ётади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АХБОРОТ КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиялари материалларида, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Интернет»нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда 2010 йилгача «Компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш» дастури асосида фермер хўжаликларини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш натижасида маълумотлар омборини яратиш ва шу асосида ахборот тизимларини тадбиркорлик субъектларига кенг жорий этиш ва ундан самарали фойдаланиш вазифалари энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Республика Президенти ва ҳукумати томонидан ишлаб чиқиляётган ва амалаётга изчил тадбиқ этиляётган иқтисодий ислохотлар қишлоқда мулкчилик, бошқарув, иқтисодий муносабатларини тубдан ўзгартиришни тақозо этмоқда. Бу эса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ташкил этилишини янги поғонага кўтаришга имкон яратади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607- сонли «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорини амалга ошира борилди 2007 йил сентябр

ойига келиб «Ахборот таъминоти ва консалтинг хизматини кўрсатиш шахобчалари»ни сони 310 тадан ошди.

Айнан, қишлоқ хўжалигидаги фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этишга замонавий иқтисодий ахборот-маслахат тизими таъминотини тадбиқ этиш самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот таъминоти – норматив маълумотлардан, техник-иқтисодий ахборот классификаторлардан, маълумотлар массивидан, умумлаштирилган ҳужжатлардан ҳамда фермер хўжаликларининг йиллик ҳисоботларидан иборатдир.

Ахборот таъминотининг асосий вазифаси моддий объектларни - бошқариш-да самарали қарорлар қабул қилиш учун тизимни аниқ маълумотлар билан таъминлашдан иборат. Шу сабабли ахборот таъминоти фермер хўжаликларидаги функционал масалаларни ечиш учун аниқ ва етарли, тўлиқ ва асосли маълумотларни ўз вақтида етказиб бериш, улар орқали ечиладиган масалаларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш, маълумотларни сақлаш ва қидиришни самарали ташкил этиш, компьютер ва ундан фойдаланувчилар ўртасидаги ишлашнинг тартибини ташкил қилиш каби шартларга жавоб бериши керак: Ахборот таъминотини яратишда турли масалалар ҳал этилади. Улардан бир қисми маълумотларни компьютер ёрдамида ишлашга тайёрлаш бўлса, иккинчи қисми маълумотларни компьютерда сақлаш, қидириш ва қайта ишлаш билан боғлиқдир. Шу сабабли ахборот билан таъминлашни икки гуруҳга, яъни машинадан ташқари ахборот таъминоти ҳамда машина ичидаги ахборот таъминотига ажратиш мумкин.

Машина ташқарисидаги ахборот таъминоти ҳужжатлар тизими, маълумотларни ихчамлаштириш тизими ҳамда маълумотларни ифодалаш тизимларни ўз ичига олади.

Замонавий ахборот таъминоти тизимининг иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлари бошқурувида долзарблигини қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар изчиллиги ва

самарадорлигини ошириш зарурияти, иқтисодий омиллар ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан етарли фойдаланилмаётганлиги, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва бошқа ахборотлар асосидаги маркетинг тадқиқотларининг паст даражадалиги, мутахассис малакасининг янги иқтисодий муҳитга – бозор муносабатларига мослашувининг сустлиги, фермер хўжаликларининг ер участкасини ижара шартномасида иқтисодий- мулкӣ мустақилликнинг ва пировард натижадан ўзаро манфаатдорлик ва маъсулият хиссининг етарли даражада шаклланмаганлиги, ходимлар билан меҳнат шартномаси (контракт) усулида ҳисоб-китоб юритилиши муносабати билан ахборот ҳажмининг ортиши ва бошқалар билан изоҳлаш мумкин.

Фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига компьютер технологиясининг тадбиқ этилиши маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, яъни реализация қилиш фаолиятини самарали мувофиқлаштирилиши, бизнес-режалар тузишда иқтисодий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш, ҳаражатлар ҳисобини ва нарх белгилашни такомиллаштириш, меҳнат шартномасига кўра, ҳар бир ходим манфаатдорлигини таъминлаш, шартномалар тузилиши ва бажарилишининг мониторингини олиб бориш, иқтисодиётни модернизациялаш шароитидаги кескин ва кутилмаган ўзгаришларга енгил ва ихчам мослашиш, фермер хўжалигининг тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ва бошқа ҳамкорлар ва давлат муассасалари билан молиявий муносабатлардаги ноқулайликларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда барқарор ва изчил иқтисодий ўсиш ҳамда юқори даромадга эришиш каби мақсад ва вазифаларни аниқ ва тўлиқҳал этилишини таъминлайди:

Фермер хўжаликлари ва улар билан ҳамкорликда маҳсулот тайёрловчилар, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, хизмат кўрсатиш (агрофирма, МТП, СФУ ва бошқалар) билан шугулланувчилар ҳамда меҳнат шартномаси бўйича фаолият кўрсатувчи ташкилотлар ҳисобланади.

Фермер хўжаликларида ахборот таъминотини амалга ошириш туфайли молиявий – иқтисодий, агротехник-технологик, ҳуқуқий-меъёрий ахборот-

ларнинг ишончлилиги, ўз вақтида таъминланиши ва ишлатилиш самарадорлигининг ошиши, ходимларни ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларидан ижтимоий адолат тамойиллари асосида баҳраманд қилишга эришиш, ақлий меҳнат ходимларини меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишни кескин ошириш ҳисобига иқтисодий самарадорликни кўтариш, мутахассисларда бозор кўникмаларини мустаҳкамланишини жадаллаштириш, хатарлилиги кам бўлган илмий асосланган ишлаб чиқариш салоҳиятини тўлиқҳисобга олган бизнес режа тузиш, маркетинг тадқиқотлари учун етарли ахборот омборини яратиш каби аграр-иқтисодий ва молиявий натижаларга эришилади.

Хозирги кунда республикамизда олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда агрофирма ва фермерлар учун консалтинг хизматларининг барча турларидан асосан аудиторлик хизматлари, бухгалтерия ҳисоби, солиқ бўйича маслаҳатлар, товар ва хизматлар бозорининг иқтисодийтаҳлилига асосланган маркетинг стратегиясини яратиш, бизнес режа бўйича маълумотлар(бизнесни очишда ёрдам, юридик маслаҳатлар, ҳамкорларни топишда ёрдам), кадрлар консалтингги, яъни асосан – персонални танлаш каби хизматлар талаб қилинмоқда.

Бунда шуни таъкидлаш керакки, консалтинг хизматларининг бошқа турларига бўлган талаб анча пастдир. Буни маслаҳатчи ролини тушунмаслик, яъни у менинг бизнесимга нима бериши мумкин, мутахассисларни жалб қилишга сарфланган пуллар оқланадими?, ташқи маслаҳатларга ишонмаслик, яъни тавсияларни ишлаб чиқишва таҳлил қилиш учун маслаҳатчилар кўпинча ички, буюртмачи-фирманинг сирли маълумотларига ишонмаслиги шунинг натижасида фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи машҳур консалтинг фирмаларни ёки ўзлари ишонган маслаҳатчиларни таклиф қилишга мажбур бўлишлари, мулкдорлар ёки компаниянинг менежментлари томонидан ўзгаришларни истамаслиги, консалтинг компанияларнинг барқарор ва жадал рекламасининг йўқлиги, кўп тадбиркорларнинг бозор иқтисодиёти шароитида бизнесни бошқариш

асосларини билмаслиги, менежер маслаҳатчиларининг тавсияларини қабул қилиш ва қўллашга тайёр эмаслиги, яъни биз ўзимиз ҳамма нарсани биламиз каби бир нечта сабаблар билан асослашимиз мумкин.

Шунга қарамасдан Ўзбекистонда консалтинг хизматларига бўлган талаб ўсиб бормоқда. Ўсиш нафақат истеъмолнинг умумий миқдори бўйича, балки консалтинг хизматларнинг айрим турлари бўйича ҳам амалга оширилмоқда.

Фермер учун ҳар қандай маслаҳатли хизмат компания мулкдорлари ва менежерлари томонидан ўзгаришларга эҳтиёжни англаш билан бошланади.

У ёки бу маслаҳатчилар фермер хўжаликларига консалтинг хизмати кўрсатувчи компаниясининг қайси фаолият соҳаси ўзгаришларга тегишли эканига қараб мурожаат қилишади.

Бошқа томондан, маслаҳатнинг йўналганлиги маслаҳат берувчи компаниянинг ривожланиш босқичи, яъни янги компаниянинг очилиши ёки бизнеснинг тикланиши ёки инқирозга учраши билан аниқланиши мумкин. Фермер хўжаликларига маслаҳат берувчи компания фаолиятнинг янги йўналишини топиш, ҳаражатларни пасайтириш учун ресурсларни тежашнинг ички заҳираларини кўрсатиш, янги бозорларни, рақобатчиларни, истеъмолчиларни текшириш, маҳсулот ва хизматларни диверсификациялаш ёки корхонанинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш каби турли вазифаларни ҳал қилиши мумкин.

Фермер хўжаликларига консалтинг хизматлари кўрсатиш маълум турларининг кераклилиги хўжаликнинг нафақат ички ишининг ҳолатига, балки республикада умумиқтисодий ҳолатдаги ўзгаришларга ҳам боғлиқдир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бизнинг фермерларга консалтинг хизмати нима берапти деган саволга жавоб битта, бу ҳам бўлса - иқтисодий фойдадир.

АХБОРОТЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ БАЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йилларданок, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантиришга эътибор берила бошланди ва бу соҳа босқичма-босқич ривожлантирилмоқда.

2003 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонун билан унинг ҳуқуқий таянчи яратилиб, ахборотлаштиришнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асослари аниқланди ва ахборотлаштириш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

1995 йил февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «UzPAK» маълумотлар узатиш миллий тармоғини яртиш (МУМТ) ва халқаро тармоқларга, шу жумладан, Интернетга чиқиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан, корхона телекоммуникация хизматларини кўреатиш бўйича «Миллий оператор ва провайдер» мақомини олди ва хўжалик ҳисобидаги «UzNET» информацион-компьютер хизмати унинг таркибига киритилди.

Ҳозирги кунда ушбу қонунга мувофиқ, вазирликлар, идоралар, муассаса ва ташкилотлар мамлакат ҳудудида жойлашган бир қатор халқаро ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва тармоқларини маълумотлар узатиш миллий тармоғига бирлаштириш йўли билан ягона ахборот майдони яратилмоқда.

1991-2003 йилларда 300 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқарилди. Улардан 15 дан ортиғи тўлиқ ахборотлаштириш амалиётига тегишлидир, қолганлари эса муайян муаммолар бўйича алоҳида меъёрларни ўз ичига олади.

Тавсия характеридаги қонунчилик ҳужжати «Иштирокчи-давлатларда ахборотлаштириш муносабатларини тартибга солиш тамойиллари тўғрисида», «Давлат сирлари тўғрисида», «Архив фондлари ва архивлар тўғрисида», «Компьютер учун дастурлар ва маълумотлар базасини ҳуқуқий

муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди ва қилиниш арафасида. Қуйидаги базавий қонунларни ривожлантиришда махсус қонунлар блоки ишлаб чиқилди, булар: «Иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш тўғрисида», «Халқаро ахборот алмашинувида иштирок этиш ва ахборот маҳсулотларини экспорт қилишини назорат қилиш тўғрисида», «Фуқароларнинг ахборотга кириш ҳуқуқи ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Илмий-техникавий ахборот тўғрисида», «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республика кодекс[^] ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси жиноят ва фуқаролик кодексида ахборот билан ишлашдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгилаш тўғрисида».

Ҳаттоки қонунчилик ҳужжатларининг сараланган рўйхати ҳам ахборотлаштиришни ҳуқуқий таъминлаш муаммосининг мураккаблиги ва кўп тармоқлилиги тўғрисида тасаввур бера олмайди.

Ахборотлаштириш фаолияти соҳасида қонунчилик яратиш йўлидаги муҳим қадам сифатида - 1995 йил 25 январда қабул қилинган «Ахборот, ахборотлаштириш ва ахборотни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинишини ва кучга киритилишини кўрсатиш лозим. Бу Қонун ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни қуйидагича тартибга солди:

- ахборот ресурсларини яратиш, йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш асосида шакллантириш ва ундан фойдаланиш ва истеъмолчиларга тақдим этиш;
- ахборот технологияларини ва уларни таъминлаш воситаларини яратиш ва ундан фойдаланиш;
- ахборотни, ахборот жараёнлари ва ахборот алмашувида иштирок этувчи субъектлар, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Ахборот технологияларини ривожлантиришнинг олти устивор йўналиши қуйидагилардан иборат:

1. Давлат статистика тизими, кредит-молия ва банк тизимлари.

2. Электрон маълумотлар базаси.
3. Фан-техника ахборот (ФТА) тармоғи.
4. Таълим, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ижтимоий муҳофаза ва соғлиқни сақлаш соҳалари ахборот тизимлари.
5. Маълумотларни узатиш ва алоқа тизимлари.
6. Фавқулотда ҳолатларнинг олдини олиш ва хабар беришнинг ахборот тизимларини яратиш.

Мазкур дастурда Вазирлик ва Маҳкамаларнинг ахборот тармоқлари, Миллий ахборотни ҳисоблаш тармоғини яратиш, компьютерлар ва ҳисоблаш техникаси воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, ҳужжатлаштиришнинг меъёрий-услубий ва ҳуқуқий тизимини яратиш ва бошқалар жой олган. Юқоридаги кўрсатилган вазифаларни бажариш бир неча босқичда амалга ошириш кўзда тутилган.

Республикамизда қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларда компьютерлаштириш ва ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг аниқ вазифалари олдинга қўйилган ва мақсадли йўналишлари ифодаб берилган. Жумладан, Тошкент элетротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилди. Ушбу университетда янги мутахассисликларнинг кенг доираси бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини анча кенгайтириш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, ўқув юртларининг моддий-техник ва илмий-тадқиқот базасини кенгайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги мавжуд қонунчилик тизими умуман олганда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш даражасига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Республикамиздаги кўпгина фирмалар телекоммуникация ахборот технологиялари бозорларига дадил кириб бормоқдалар.

Яқиндагина Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияси томонидан қабул қилинган «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» ва «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг лойиҳалари биринчи ўқишда қабул қилинди. Назаримизда бу қонунлар Республикамиздаги тадбиркорлик фаолиятини ахборот билан таъминланиш ҳуқуқий базасини яратишга хизмат қилувчи асосий воситалардан ҳисобланади.

«Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуннинг 3-бандида «Товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти электрон тижоратдир» деб кўрсатиб берилиши фикримизнинг исботи ҳисобланади. Ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантиришни тўлақонли амалга ошириш учун юқорида келтирилган қонунларнинг бажарилишини таъминлаш зарурий омил ҳисобланади.

Шахсий маълумотларни ҳимоялаш, ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги қонунларни ахборотлашган жамиятда тўлақонли қўлланиши муҳим ҳисобланиб, Республикамизда тадбиркорлик фаолиятини ахборотлаштириш тизимини шакллантириш учун асосий бўлган қонунлардан ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар ва компьютерлаштириш жараёнини ривожлантириш йўналишлари мамлакат иқтисодиёти самарадорлигининг ўсишида телекоммуникациялар, Компьютер ва ахборот технологияларининг фаол роли ошишини, одамларнинг фаолият ва турмуши техник қурилмалар ва хизматларнинг энг замонавий турлари билан жихозланишини таъминлаш, республиканинг жаҳон ахборот жараёнларига муваффақиятли интеграциялашувига имконият яратади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ҚУРИШ

Республикамиз қишлоқ хўжалигида ягона иқтисодий ахборот тизими-ни яратиш бу миллий иқтисодиёт ахборотлаштириш маконини ташкил қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ягона иқтисодий ахборот тизimini яратишдан асосий мақсад ҳозирги шароитда вазирликлар, идоралар ва банк тизimini бир-бирлари билан алоқаларини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилишдан иборат бўлиб, бунда ахборотни йиғиш, жамғариш, сақлаш ва таҳлил қилиш жараёнларини шакллантириш ҳисобланади.

Иқтисодий ахборот тизimini яратишнинг асосий шарт-шароитлари ва зарурияти шундан иборатки, мавжуд вазирлик идоралар ва молиявий соҳалар ишончли ахборот билан таъминланиб иқтисодий ўсишни таъминлаши зарур. Бу ўз навбатида ягона кенг кўламли тўлов баланси базасини амалга оширишни таъминлаб беради. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики Ўзбекистон Республикаси тўлов балансининг ташкил қилувчи ахборот базасини асосан қуйидаги вазирлик, ташкилот ва идоралар таъминлаб беради.

Кўрсатилган манбалар ахборот базасини бирламчи ахбороти ҳисобланиб, бунда Молия вазирлиги асосий ахборот етказиб берувчилардан ҳисобланади.

Иқтисодиёт вазирлигида ягона иқтисодий ахборот тизimini яратиш республикада ягона ахборотлаштириш миллий тизimini ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиёт вазирлиги яқиндагина ташкил топган ташкилот бўлиб, макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайтадан ташкил қилиш натижасида вужудга келди. Иқтисодиёт вазирлиги республикадаги барча вазирликлардан, идоралардан ахборотни қабул қилиб, олинган ахборотни таҳлили асосида қарорлар қабул қилиш учун шарт-шароит яратиб бермоқда. Мамлакатдаги асосий ахборот базаси тадқиқ қилиниб, таҳлиллар бу соҳада банк сектори етакчи эканлигини кўрсатмоқда

Ягона иқтисодий ахборот тизимини иқтисодиёт вазирлигида яратиш, ахборотни тезкор равишда олиб, бу соҳада ишловчиларни ҳисоботлар йиғишдаги машшаққатли меҳнатларига амалий ёрдам беради.

2000 йилдан бошлаб Ўзбекистон Молия вазирлигида глобал интегрирлашган ахборот-аналитик тизими ишга тушиб республикамиз бюджетига оид фаолиятни ахборот билан таъминлаб, қуйидаги ишларни амалга оширишни назарда тутди:

- республика бюджетини (РБ) харажатларини шакллантириш;
- республика бюджетини харажатларини аниқлаш;
- республика бюджетини бўйича режалаштириш ва индексацияни аниқлаш;
- пул маблағлари билан молиялаштириш;
- мақсадли молиялаштириш схемалари бўйича ҳисоб олиб бориш;
- республика бюджетини ғазна ва ҳақиқий харажатларини ҳисоблаш;
- маҳаллий бюджет тушумларини ҳисоблаш;
- республика бюджетини харажатларини аниқлаш ва башорат қилиш;
- бюджет ташкилотлари ўртасида қисқа муддатли судалар, субвенциялар ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш.

Глобал интегрирлашган ахборот-аналитик тизими ёрдамида ҳар куни республикамиз Молия вазирлигига 214 та тижорат банкларидан, валюта биржасидан, Марказий банкдан ахборот узатилиб, Молия вазирлигидан эса бу ташкилотларга қайта ишланган ахборот ва маълумотлар юборилади. Бундан кўриниб турибдики, республикамиз молия тизими ягона иқтисодий ахборот тизимини қуришга ҳар томонлама тайёр турибди.

Шунга қарамасдан бу соҳада ечимини қутаётган масалалар, муаммолар жуда кўп. Ҳозирги пайтда солиқ ахборотини қайта ишлаш вазифасини

бажарувчи техник воситаларнинг 50 фоиздан кўпроғи маънавий эскирганлиги сабабли ягона иқтисодий ахборот тизими талабларига жавоб бера олмайди. Шу сабабли бу соҳага қўшимча замонавий компьютерларни жалб этиш масалалари ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Республикамиздаги давлат солиқ қўмитасида ишлатилаётган 100 дан ортиқ локал ҳисоблаш тармоқлари эскирганлиги сабабли уларни янгилаш зарурияти туғилмоқда. 2004 йилда Давлат солиқ қўмитаси томонидан экспорт-импорт ташқи савдо операцияларини амалга оширувчи ахборот тизими мавжуд бўлиб, Марказий банк, Молия вазирлиги, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва тижорат банклари ахборот ресурсларини интеграция фаолиятини мужассамлаштиради.

Ҳамкорлик битимлари шартлари асосида Ўзбекистон Республикаси фойдаланувчилар учун замонавий web технологиялар асосида ўзининг марказий ахборот ресурсларга киришни таъминлай оладилар. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, ташқи савдо ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш жараёни қуйдаги ишларни амалга оширишни тақозо қилади:

- турли хилдаги маълумотлар базасини бошқариш тизимларини электрон хабарлар бўйича ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;
- вазирлик ва идоралар ахборот ресурслари ёрдамида ташқи савдо маълумотлар базаси бўйича ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш.

Кейинги босқичларда эса, тизимни шакллантириш жисмоний шахслар билан ишлаш, биржа ва бартер битимларини расмийлаштириш ҳисоботини амалга ошириш жараёнлари билан боғлиқ равишда олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида ҳозирги кунда 15 та локал ҳисоблаш тизимлари ва 203 та алоҳида компьютер тармоқлари фаолият юритмоқда. Улар 3 поғонали корпоратив ҳисоблаш тармоғидан ташкил топиб, тармоқлар ўртасида ахборот айирбошлаш ички электрон почта ёрдамида бажарилади.

Мазкур тармоқда ҳам ҳисоблаш ускуналарини янгилаш зарурияти мавжуд бўлиб, бу тармоқ учун битта ходимга битта компьютер тўғри келиши шарт. Тахминларга кўра ҳар бир туман бўлимига яна 3 тадан компьютер, Қорақалпоғистон статистика бошқармасига ва Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри статистика ташкилотларига 30 дан ортиқ замонавий компьютерлар ўрнатиш зарурдир. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қошида ягона иқтисодий ахборот тизимини жорий қилиш учун 120 дан ортиқ замонавий компьютерлар ажратиш керак бўлади. Статистика соҳасида туманлар бўйича меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида компьютерларнинг кичик тармоқлари ва терминал мажмуалар яратилиши даркор.

Республика қишлоқ хўжалигида ахборотлаштириш тизимини шакллантиришда банк ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш зарурияти энгдолзарб муаммолардан бўлиб, бу соҳадаги тижорат банклари ҳам энг йирик ахборот етказиб берувчилардан ҳисобланади

Ҳозирги пайтда Марказий банк томонидан электрон тўловлар тизими тўлақонли ишлаб турибди. Бу тизим банклар ўртасида ахборотни юқори даражада ўтказиш лаёқатлилиги, ҳужжатларни тезкор қайта ишлаш қобилияти билан донг таратган.

Республикамиздаги барча тижорат банклари Марказий банкнинг ахборот маркази билан банк телекоммуникацион тармоғи орқали уланган. Марказий банк томонидан банк ахборотини узатиш тармоғи яратилган бўлиб, у рақамли ва коммутация пакетлари тармоқлари мажмуасидан иборат. Ушбу телекоммуникация тармоғи Тошкент шаҳрида 1996 йилдан бери самарали фаолият кўрсатиб келяпти. Тармоқ ёрдамида тижорат банкларининг барча филиалларидан Марказий банкнинг бош ахборотлаштириш марказига 64 Кбит/сек тезликда маълумотлар узатилиб, тизим рақамли оптик толали ва радиорелели алоқатармоқлари ёрдамида фаолият юритади. Ушбу тармоқ Марказий банк ва Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банклари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганимизда, юқоридаги қайд этиб ўтилган далиллар асосан қишлоқ хўжалигида ахборот тизимини яратиш ҳам ягона иқтисодий ахборот тизимига ўтиш учун тайёр эканлигини кўрсатиб турибди.

Ахборотлаштириш миллий тизимини яратишнинг асосий мақсади ва вазифаси ягона иқтисодий ахборот тизимини босқичма-босқич иқтисодиётга жорий қилишдан иборат.

Қурилаётган ягона иқтисодий ахборот тизимига турли хилдаги талаблар қўйилади ва бу талабларни энг муҳим шартларидан бири тизимни ташкил қилишда бошқарувчилар томонидан тўғри ечим қабул қилишдир. Тизим учун шунчаки дастурлар керак эмас, балки амалий дастурлар, компьютерлар, коммуникация ускуналари, алоқа каналларидан иборат бўлган яхлит технология керак.

Бундан ташқари бошқа вазирликлар ва идоралар ҳам ягона иқтисодий ахборот тизимига уланиш учун ўз маълумотлар базасини яратишлари лозим.

Қишлоқ хўжалигида ахборот тизимини яратишнинг тўлақонли фаолияти учун қуйидаги асосий талаблар бажарилиши лозим:

- ахборот ҳаракатини таркибий қисмларига қўйиладиган талаблар;
- ахборот ҳаракати қўшма тизимларига талаблар;
- тизимдаги ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш технологияларига талаблар;
- тизимни ташкил қилувчилар ўртасида маълумотлар базасини узатишга бўлган талаблар;
- техник ва дастурий таъминотга бўлган талаб;
- техник ва дастурий воситаларнинг носозлик жараёнлари;
- маълумотлар базасининг яхлитлигини тиклашга талаблар.

Шундай қилиб, ахборот тизимини босқичма-босқич қишлоқ хўжалигига жорий қилиш – миллий ахборот тизимини яратишга олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ғуломов С.С, Алимов Р.Х, ва бошқалар. “Ахборот тизимлари ва технологиялари”. “Шарқ”, Т-2000 й.
2. Алимов Р.Х, Юлчиева Г.Т., Алишов Ш.А. “Ахборот технологияси ва тизимлари”. Маъруза матнлари. Т: - ТДИУ, 2005 й.
3. Алимов Қ, Абдувоҳидов А ва бошқалар. “Ахборотлар технологияси асослари” Ўқув қўлланма. Т: - ТДИУ, 2003 й.
4. Ахмедов А.,Тайлоқов Н. Информатика: Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун дарслик.-Т.: «Ўзбекистон», 2001.
5. 2 Абдуқодиров А.А., Ҳайитов А.Ғ., Шодиев Р.Р. Ахборот технологиялари Т. «Ўқитувчи». 2002.
6. Ғуломов С.С. ва бошқ. Иктисодий информатика». Т.: «Ўзбекистон», 1999.
7. Саттаров А. Информатика ва ахборот технологиялари Т. «Ўқи-тувчи» 2002.
8. Арипов М, Ҳайдаров А. Информатика асослари Т. «Ўқитувчи» 2002.
9. Арипов М., Ҳайдаров А. Информатика асослари Т. «Ўқитувчи» 2002.
10. Ахборот тизимлари ва технологиялари: ОЎЮ талабалари учун дарслик Муаллифлар жамоаси: Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Лутфуллаев Х.С. ва бошқ. Ғуломов С.С. нинг умумий таҳрири остида. Т.: «Шарқ», 2000.